ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

11 ЙИЛ

№ 34 (312) 2002 йил 21 август, чоршанба. Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Сотувда эркин нархда

1991-2002

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ва республикага истеъмол товарларини олиб келиш ва сотиш тизимини янада такомиллаштириш, ички истеъмол бозорида рақобат муҳитини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тайёр истеъмол товарларини импорт қилувчи корхоналар ва ташкилотларга сўмларни эркин муомаладаги валютага конвертация қилишнинг устувор ҳуқуқини берувчи лицензиялар бериш механизми бекор қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2002 йил 1 октябрдан бошлаб ижтимоий аҳамиятга эга бўлган халқ истеъмол товарлари ва дори-дармонларни импорт қилувчи корхоналар ва ташкилотлар учун биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани сотиб олишга ваколатли банкларга ҳар чораклик лимитлар бекор қилинсин.

3. Белгилансинки, 2002 йил 1 октябрдан бошлаб юридик ва жисмоний шахслар томонидан тижорат фаолияти учун Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига барча истеъмол товарлари олиб келинишига амалдаги қонун ҳужжатларига биноан мажбурий тартибда мувофиқлик сертификати тақдим этилган тақдирда йўл қўйилади.

4. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган барча юридик ва жисмоний шахсларга:

божхона чегараси орқали истеъмол товарларини олиб келишда божхона тўловлари ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбурий тўловлар ва йиғимларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш;

олиб келинаётган истеъмол товарларига мувофиқлик сертификатини тақдим этиш;

турғун савдо шохобчалари орқали чакана савдо фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган солиқларни тўлаш ва нақд савдо тушумини ҳар куни банкларнинг кассаларига мажбурий топшириш қоидаларига қатъий риоя қилиш каби халқаро амалиётда умумий қабул қилинган нормаларга риоя этилган тақдирда истеъмол товарларини республикага импорт қилиш ва уларни сотиш ҳуқуқи берилсин.

5. 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб қуйидаги тартиб белгилансин, унга кўра:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарлари тузилган шартномалар асосида фақат ўзининг расмий эълон қилинган дистрибьюторларига, шунингдек назорат-касса машиналаридан мажбурий фойдаланилган тақдирда турғун савдо шохобчалари орқали чакана савдо қилувчи юридик ва жисмоний шахсларга улгуржи сотилади;

импорт истеъмол товарларини олиб келиш ва уларни улгуржи сотиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар рўйхатдан ўтказиш ва божхона расмийлаштирувида ўзининг расмий дистрибьюторлари рўйхатини тақдим этиши шарт;

улгуржи савдо субъектларининг дистрибьюторлари назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо шохобчасига эга бўлишлари керак;

истеъмол товарлари қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик ёки жисмоний шахслар томонидан фақат нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш шаклида улгуржи сотилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзларининг расмий дистрибьюторлари сифатида эълон қилинмаган, шунингдек назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо шохобчаларига эга бўлмаган жисмоний шахсларга истеъмол товарларини улгуржи сотиши тақиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги улгуржи ва улгуржи-чакана савдо қилувчи юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишда кўрсатиб ўтилган тартибга қатъий амал қилсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси улгуржи сотиш учун импорт қилинаётган истеъмол товарларини божхонада расмийлаштиришда белгиланган тартибга қатъий риоя қилсин.

6. Белгилансинки, 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб республиканинг буюм бозорларида импорт истеъмол товарлари фақат юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган ва экспорт-импорт операцияларини ҳамда чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудига товарлар улар томонидан олиб келинганлигини, мувофиқлик сертификатларини, божхона тўловлари ва қатъий белгиланган солиқ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда сотилишига белгиланган тартибда йўл қўйилади. Бунда улар томонидан истеъмол товарларини назорат-касса машиналари қўлланилмасдан сотишга рухсат берилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюм бозорларида истеъмол товарларини сотишнинг кўрсатиб ўтилган тартибига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, тижорат банклари савдо қилувчи ташкилотлар томонидан белгиланган савдо қоидаларига риоя этилиши ва истеъмол товарларини сотишдан тушган нақд савдо тушуми ҳар куни банкларнинг кассаларига тўлиқ топширилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилишини таъминласинлар.

8. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 2003 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товар ёрлиқларида (этикеткаларида) Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида товарнинг хусусиятлари тўғрисидаги ахборот ва уларни қўллаш, улардан фойдаланиш бўйича йўриқномалар мавжуд бўлмаган эркин муомалага чиқаришга мўлжалланган истеъмол товарларининг айрим турларини олиб келиш тақиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, «Ўздавстандарт» маркази Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларнинг айрим турларини маркалаштириш тартиби тўғрисидаги низомни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан монополияга қарши қонунчиликка қатъий риоя қилиниши, истеъмол товарлари бозорида рақобат муносабатлари самарали ишлаши, нархлар сунъий равишда оширилишига, ноҳалол рақобатга, энг аввало, товарларнинг тайёрланиш жойи, истеъмол хусусиятлари ва сифати юзасидан истеъмолчилар чалғитилишига йўл қўйилмаслиги устидан қатъий назоратни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2002 йил 20 сентябргача бўлган муддатда:

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари ва дори-дармонлар импортини тариф билан ва нотариф бошқариш тизимини жорий этишни;

импорт истеъмол товарлари тендер асосида олиб келинишини назарда тутувчи механизмни ишлаб чиқсинлар ва жорий этсинлар.

11. Белгилансинки, юридик шахслар томонидан республикага технология хом ашёси, бутловчи узеллар ва буюмлар сифатида олиб келинаётган ноозиқ-овқат товарлари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 июлдаги 257-сон қарори билан белгиланган товар божхона қийматининг 30 фоизи миқдорида истеъмол товарлари импорти учун йиғимдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда тайёр маҳсулотларни технология хом ашёси, бутловчи узеллар ва буюмлар қаторига киритишни аниқ чекловчи қоидани икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, тижорат банклари, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2002 йил 1 декабргача бўлган муддатда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимини яратсинлар.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 июлдаги 305-сон қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда норматив ҳужжатларга мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 20 август

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 11-ЙИЛИДА ЮРТДОШЛАРИМИЗ РИЗҚУ НАСИБАСИ МЎЛ БЎЛДИ

Шу кунларда бутун мамлакатимиз бўйлаб энг улуғ ва энг азиз айём - мустақилликнинг 11 йиллигини кенг нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ҳар галгидек бу йил ҳам байрамнинг асосий тантаналари азим пойтахтимиз Тошкентда ўтади.

Байрам дастурхони янада тўкин бўлади

Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига кўра пойтахтимиз меҳнат аҳли ва меҳмонлари учун 20 августдан 10 сентябрга қадар қишлоқ хўжалиги ва истеъмол моллари савдо-ярмаркаси ташкил этилади. Шаҳримизнинг ҳар бир туманига биттадан вилоят бириктириб қўйилган.

Шаҳарликлар картошка, сабзавот, узум, қовун-тарвуз, асал, гўшт, сут каби озиқ-овқат маҳсулотларини бозордагидан анча арзон нархда харид қилади. Шунингдек, бу йил савдо-ярмаркаларда илк бор республика компания ва уюшмалари ўзларининг маданий-маиший моллари билан қатнашади. «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув», «Файз-холдинг» компаниялари, «Ўзбек ипаги», «Ўзбекчармпойафзали», «Ёғмойтамакисаноат» каби уюшмалар маҳсулотларига кенг ўрин берилади.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани аҳолиси учун ярмарка «Авиасозлар» маданият саройи майдонида ташкил этилди.

- Тошкент шаҳри аҳолиси дастурхонини янада тўкин-сочин қилиш мақсадида вилоятимиз миришкору боғбонлари ўнлаб турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олиб келди,- дейди Наманганда «Осиё» фирмаси директори ўринбосари Обиджон Абдуқаҳҳоров.

Бугунги ярмаркага Чортоқ туманидаги ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар етказиб келинди. Ярмарка давомида вилоятимизнинг барча туманлари галма-гал иштирок этади.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎзА мухбири

Жамғарма фаолияти: ҲИСОБОТ

КЕКСАЛАР ЭЪЗОЗИМИЗДА, ЁШЛАР ЭЪТИБОРИМИЗДА

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви, унинг вилоятлар ва туманлардаги бўлим ва бўлинмалари томонидан жорий йилнинг ярим йиллигида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботлар эшитилди. Йиғилишда ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Оқсоқоллар кенгашлари, жамғарма бўлимлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти туманлари бўлинмалари раислари, оқсоқоллар, маҳалла фаоллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар. Шунингдек йиғилишда кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлар раҳбарлари иштирок этишди.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси Аъзамжон ГАДОЙБОЕВ жамғарманинг ярим йиллик фаолияти хусусида атрофлича тўхталди:

- Аввалом бор таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларида кўрсатилган вазифалар асосида тузилган йиллик иш режасига биноан олиб бормоқда. 2002 йилнинг биринчи ярмида асосий эътибор «Қарияларни қадрлаш йили», «Соғлом авлод учун» Давлат дастурларини амалга оширишга, маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантиришга, уларга услубий ёрдамлар кўрсатишга, Президентимиз ташаббуси билан илгари сурилаётган «XXI аср маҳалласи» концепциясини ишлаб чиқишга ва «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» ғоясини амалга оширишга, тадбиркорликни ривожлантириш баробарида давлатимизнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатини муваффақиятли ижро этишга, хайрия имкониятларини кенгайтиришга, бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга қаратилди. Ушбу муҳим аҳамиятга эга бўлган вазифаларни амалга оширишда «Маҳалла» жамғармасининг республика бошқаруви, унинг 14 та бўлим (ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) ва 216 та туман (шаҳар) бўлинмалари ҳамда 1329 та қишлоқ, 112 та шаҳарча, 138 та овул, 8160 та маҳалла фуқаролар йиғинлари жами 9739 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жойларда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Давоми 2-саҳифада ⇨

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ» ТУРНИРИ ҚУНДАЛИГИ

ГУРУҲ ҒОЛИБЛАРИ МАЪЛУМ

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси томонидан республикамиз бўйлаб ўтказилаётган анъанавий «Футболимиз келажаги» турнирининг ушбу йилги яъни мустақиллигимизнинг 11 йиллигига ва Ўзбекистон футболининг 90 йиллигига бағишланган баҳслари ҳам сўнгги босқичга етиб келди.

Ҳозиргача 9-11 ёшлилар баҳси якунланди. (Бу баҳс Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар доирасида ниҳояланиши белгиланган эди.) 12-14 ёшлилар ва 15-16 ёшлилар баҳсида эса сўнгги босқич - республика ғолибини аниқлаш учун бўладиган ўйинлар яқин кунларда ўтказилади. Биз 15-16 ёшлиларнинг Республика ғолиблиги учун жойларда ўтган гуруҳ баҳслари ғолиблари ҳақида хабар берган эдик. Куни кеча 12-14 ёшлилар ўртасида ҳам гуруҳ ўйинлари ғолиблари аниқланди. 1-гуруҳда баҳслашган Нукус шаҳрининг 7-маҳалласи, Бухоро вилояти Вобкент тумани Вобкент, Навоий вилояти Навбаҳор тумани Бешрабод, Хоразм вилояти Хозорасп тумани Мирла маҳаллалари ўртасида Вобкент туманининг Вобкент маҳалласи жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Қаршида 2-гуруҳ жамоалари – Самарқанд вилояти Иштихон тумани Қорақўйли, Қашқадарё вилояти Косон тумани Янгиобод, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани Дўстлик маҳаллалари ўзаро куч синашди ва Косон тумани Янгиобод маҳалласи кейинги босқичга ғолиб сифатида ўйлланма олди. Жиззахда Сирдарё вилояти Боёвут тумани Боёвут маҳалласи ёш футболчиларига ҳеч ким бас кела олмади. Улар 3-гуруҳда майдонга тушган рақиблари –Тошкент шаҳри Чилонзор туманининг Гулистон, Тошкент вилояти Оққўрғон туманининг Йўлдош Охунбобоев номли, Жиззах вилояти Фориш туманининг Ўзбекистон маҳаллалари орасида ғолиб бўлди. Наманганда Андижон шаҳрининг Мирпўстин, Наманган шаҳрининг Чорсу, Фарғона вилояти Марғилон шаҳрининг Гуравар маҳаллалари баҳсида Чорсу жамоаси ғолиб бўлди. Бу ёшлилар ўртасидаги совриндор ўринлар учун бўладиган баҳс пойтахтимиздаги «Пахтакор» марказий ўйингоҳида сентябр ойининг дастлабки кунларида бўлиб ўтади.

ШОДЛИК –ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҒОЛИБИ

17 август куни Пойтахтимизнинг Ҳамза тумани Ахмаджон Назаров номли маҳалла футбол майдонида «Футболимиз келажаги» турнирининг 9-11 ёшли болалар ўртасида ўтказилаётган мусобақаларининг Тошкент шаҳар биринчилиги финал ўйини ўтказилди.

Кураш Юнусобод туманининг Шодлик маҳалласи жамоаси ва Ҳамза туманининг Иноғом Юнусов маҳалласи ёш футболчилари ўртасида кечди. Ҳар иккала жамоа томошабинлар олқишига сазовор бўлган шиддатли ўйин кўрсатишди. 2:0 ҳисобида Шодлик маҳалласи жамоаси ғолиб чиқиб, шаҳар ғолиби бўлди.

Ғолиб жамоаларга Республика Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви ҳамда жамғарма шаҳар бўлими ва ҳомийларнинг Фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди. 15 август куни бўлиб ўтган ўйин натижаларига кўра III ўринни эгаллаган Миробод тумани Чинор маҳалласи ва IV ўринни эгаллаган Шайҳонтоҳур тумани Гулобод маҳалласи жамоалари ҳам шу каби қимматбаҳо совғалар эгаси бўлишди

Анора ИЛҲОМОВА.

Шу сонинг

2-САҲИФАСИДА

****Маҳалланинг минг йиллик тарихи янги мазмун билан бойимоқда.***
**** Жамғармада жиддий тадбир.***
**** «Гуноҳимдан ўтинг, ватандошларим!»***

3-САҲИФАСИДА

**** Хоразм маҳаллалари ўзига хос.***
**** Топганингиз... дабдабасиз тўйга буюрсин!***
**** Карим бува ўз замондошига нима дейди?***

4-САҲИФАСИДА

**** Биз ўқимаган китобдан парча.***
**** Навоий гулшанидан яна бир ифор...***
**** Башоратнинг «башорат»ини синаб кўринг.***

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили:
Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими:
136-57-62.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Ўзбекистонда маҳалла бўлиб, жамоа бўлиб яшашнинг неча минг йиллик тарихи бор. Биз бу анъаналарни янги мазмун билан бойитмоқдамиз. Бугунги даврда маҳалла жойлардаги ўзини ўзи бошқариш тизимининг таянчи сифатида фаолият кўрсата бошлади. Бу жамиятимиз бугунги ҳаётининг энг самарали, айни пайтда миллий ва халқчил кўринишидир.

Ислом КАРИМОВ

Жамғарма фаолияти: ҲИСОБОТ

КЕКСАЛАР ЭЪЗОЗИМИЗДА, ЁШЛАР ЭЪТИБОРИМИЗДА

(Аввали 1-бетда)

«Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастурининг асосий йўналиши ёши улуғларни эъзозлаш, уларнинг меҳнатда, жамоатчилик ишларида орттирган тажрибаларини ёшларга етказиш, улар ҳаёти билан боғлиқ турли мавзуларда кўрик-танловлар ўтказишга қаратилган бўлиб, шу мақсадда 3200 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди, 3500 дан ортиқ 100 ёшга кирган ва 100 ёшдан ошган кексалар рўйхатга олиниб, уларга жамғарма бошқаруви, бўлим ва бўлинмалари томонидан 3 млн. сўмлик совға-саломлар тарқатилди. «Қарияларни қадрлаган намунали маҳалла», «Оталар чойхонаси» каби кўрик-танловлар эълон қилинди, 1700 қариянинг уй-жойини таъмирлашга кўмаклашилди. Шу йилнинг 1-ярим йиллиги давомида дастур ижроси учун 200 млн. сўм маблағ сарфланди ва бунинг 117 млн. сўми ҳомийларни жалб қилиш ҳисобига амалга оширилди.

Бундан ташқари 7233 та тадбир фуқароларнинг ҳуқуқий билимини оширишга, 7650 та тадбир ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва диний ақидапарастликнинг олдини олишга йўналтирилди. 6010 та вояга етмаган ёшларнинг тарбияси билан боғлиқ, 5883 та тўй ва бошқа маросимларни тартибга солиш масаласига доир тадбирлар ўтказилди.

Маҳаллаларда ўрта ва кичик бизнесни, тадбиркорликни ривожлантиришда ташкилотчилик ва амалий ишлари билан бошқаларга ибрат бўладиган маҳалла оқсоқолларини ҳамда энг тадбиркор маҳалла оқсоқолини аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида 2002 йилда Республика Мустақиллигининг 11 йиллигига бағишлаб анъанавий «Ибратли маҳалла оқсоқоли», «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» ҳамда «Маҳалла жонкуяри» кўрик-танловлари ўтказилди. Бугунги кунда бу тадбирларнинг туман, вилоятлар, Тошкент шаҳри, ҚҚР ғолиблари аниқланиб, республика ғолиби аниқланмоқда.

Маҳалла нуфузини оширишга, унинг жамият ва давлат бошқарувидаги иштирокини такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишга, уларнинг ваколатига ўтказиладиган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, бандлик, ободонлаштириш ишлари бўйича фаолият механизмини яратиш, маҳаллаларнинг иқтисодий-молиявий асосларини мустаҳкамлаш, уларни ҳар томондан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган бир қатор долзарб вазифаларни ўзида мужассамлаштирган «XXI аср маҳалласи» концепцияси ишлаб чиқилди ҳамда кенг жамоатчилик эътиборига муҳокама учун тақдим этилди.

Маълумки, «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» ғоясининг моҳияти давлат ҳокимият идораларининг айрим ваколатларини нодавлат ташкилотларига, жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказилишидан иборат. Ҳозирги кунга келиб, уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини аҳоли томонидан тўлиқ тўланилишини таъминлаш, ишламайдиган оналарга боласи икки ёшга етгунга қадар нафақалар тайинлаш, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз нафақахўрларни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш каби ваколатлар маҳаллалар зиммасига юклатилган. Бу борада бир нечта қонуний ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, уларни амалга оширишнинг услубий жиҳатлари тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди ва амалга киритилди.

Мунозара танаффусда ҳам давом этмоқда

Шу билан бирга ёш авлоднинг жисмонан ва маънан бақувват, ҳар томонлама камол топишига шароит яратиш, ўқувчи-ўсмирларни ёзги таътил даврида спорт мусобақаларига кенг жалб қилиш мақсадида маҳалла болалари ўртасида «Футболимиз келажаги», шахмат-шашка бўйича ва «Маҳалламиз паҳлавонлари» каби оммавий мусобақалар ташкил этилди. Ушбу мусобақалар давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

«Футболимиз келажаги» республика турнири мусобақалари 4 босқичда ўтказилиб, айни дамда унинг 3-босқичи якунланди ва унда 1 миллиондан ортиқ маҳалла болалари қатнашди. Ушбу мусобақаларни ташкил қилиш, ғолиб ва совриндорларни рағбатлантириш мақсадида жамғарма бўлим ва бўлинмалари томонидан 14,5 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, шахмат-шашка мусобақалари ҳам 4 босқичда ташкил қилиниб, унинг 3-босқичи якунланди ва бу мусобақаларда маҳаллаларда истиқомат қилувчи 400 мингдан ортиқ ўсмирлар қатнашди.

Айни кунларда ўзбек кураши бўйича «Маҳалламиз паҳлавонлари» мусобақаларининг маҳаллаларда 1-босқичи ташкил қилиниб, ўтказилмоқда.

Республика жамоатчилиги ўртасида, хусусан, маҳаллаларда халқимизнинг миллий қадриятлари, энг яхши удум ва анъаналарини кенг оммалаштириш, жамиятда кечаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини ёритиш ва фуқаролар онгига етказиш, унда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларининг ҳаётий, илмий ва амалий ечимларини топиш масалаларига бағишланган мақола ва таҳлилий чиқишлар «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг нашри бўлган «Mahalla» газетаси саҳифаларида кенг ёритилмоқда.

«МАҲАЛЛА» ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Йиғилишда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ сўзга чиқди.

- Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастуридаги 31 тадан ортиқ тадбирларнинг ижроси учун жамғармамиз асосий масъул ташкилот сифатида белгиланган. Тадбирлар аксарият ҳолларда «Нуроний», «Экосан», «Ибн Сино» жамғармалари, Ўзтелерадио компанияси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа жамоат ва давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Тадбирларнинг асосий йўналиши ёши улуғ кексаларимизни эъзозлаш, уларнинг меҳнатда, жамоатчилик ишларида орттирган тажрибаларини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш ишлари билан боғлиқ. Бу йўналишда 32 тадан ортиқ тарихий қадамжоларга оммавий зиёратлар ташкиллаштирилди ва унда 3000 дан ортиқ отахон-онахонлар қатнашдилар. Жойларда 100 ёшга кирган ва 100 ёшдан ошган кексаларга моддий рағбат ва иззат-ҳурмат кўрсатиш ишлари кенг кўламда айни кунларда ҳам давом этмоқда. «Қарияларни қадрлаган намунали маҳалла», «Оталар чойхонаси» каби 10 га яқин кўрик-танловлар эълон қилинди ва уларнинг ғолиблари учун 25 млн. сўмлик мукофотлар бериш белгилаб қўйилди. Айни кунларда «Экосан» Халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда «Оталар чойхонаси» кўрик-танловида қатнашувчи маҳалла гузарларини таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга беминнат ёрдам кўрсатиш тадбирларига ҳомийларни кенг жалб қилган ҳолда 110 млн. сўм маблағ сарфланди.

Дастур тадбирларини амалга оширишда жамғарманинг республика бошқаруви билан бир қаторда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари жойларда самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

Ҳамкорлик шартномаларини имзолаш пайти

«Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви томонидан Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Саховат уйларидаги ва маҳаллаларда ёлғиз қолган қарияларга алоҳида эътибор кўрсатилди, уларнинг ҳузурига ташриф буюриб, совғалар берилди. 9 май - Хотира ва Қадрлаш куни байрами муносабати билан маҳаллаларда истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийларига 5 млн. сўмлик кийимкечак ва совғалар улашилди. Ўзбекистон Республикасида санъатни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган ёши улуғ, кекса санъаткорларни йўқлаш, эътибор кўрсатиш мақсадида улар учун байрам тадбири уюштирилди ва совғалар, ташкилий ишлар учун 183 545 сўм маблағ сарфланди. Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамиятига 37 138 сўмлик кийим-кечаклар берилди. 27 июнь куни Оммавий ахборот воситалари ва матбуот ходимлар куни муносабати билан «Қарияларни қадрланган юрт» мавзусида тантанали тадбир ўтказилди.

МУВАФФАҚИЯТ ҚАТОРИДА МУАММО ҲАМ БОР

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раисининг молиявий ишлар бўйича ўринбосари Бўстон ЭРГАШЕВ йиғилиш иштирокчиларининг эътиборини жамғарма фаолиятининг қуйидаги жиҳатларига қаратди:

- 2002 йилнинг олти ойи давомида республикамиз бўйича жамғармамиз ҳисобига тушган пул маблағининг умумий миқдори 395 млн. 357 минг сўмни ташкил қилди. Бу маблағнинг 39 фойизи ташкилот, корхона ва муассасалардан хайрия тарзида ўтказилган бўлса, 32 фойизи юртимизда ўтказилган умумхалқ шанбалигининг самараси бўлди. Жамғармамиз тасарруфидаги корхоналарнинг фаолиятидан ҳисобимизга ўтган маблағ умумий маблағнинг 3,2 фойизини ташкил этди. Бу кўрсаткич бўйича жамғарманинг Тошкент шаҳар, ҚҚР, Жиззах, Наманган ва Бухоро вилояти бўлимлари пешқадам бўлгани ҳолда, Сирдарё, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд вилоятлари бўлимларида олиб борилган ишлар талаб даражасида эмаслигини алоҳида қайд этиш жоиз. Шунингдек, кўп болали оилаларга, кексаларга, ногирон ва етим-есирларга белгиланган ташқари, хайрия кўринишида моддий ёрдам кўрсатиш бўйича бир қатор вилоятлар, жумладан, Қашқадарё, Хоразм, Жиззах, Сирдарё вилоятларидаги кўрсаткичлар анча паст.

Йиғилишда маҳалла тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича, юқорида санаб ўтилган хайрия тадбирларини республика миқёсида янада кенгайтириш мақсадида жамғарманинг йилнинг қолган қисми учун белгиланган сарф-харажатлар сметасига бир қатор ўзгартиришлар киритиш ҳақида келишиб олинди.

ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

Йиғилишда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг республикамизда фаолият юргизаётган бошқа жамоат ташкилотлари ва жамғармалар билан ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш ва янада кенгайтириш мақсадида бир нечта жамоат ташкилотлари, ижодий уюшма ва жамғармалар билан ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Бу хусусда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси А.ГАДОЙБОЕВ қуйидагиларни таъкидлади:

- Ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган жамғармаларимизнинг ҳар бир тадбири шубҳасиз маҳаллаларимиз фаолияти билан боғлиқ. Масалан, «Соғлом авлод учун» ва «Болалар» жамғармалари маҳалла ёшлари билан, «Нуроний» ва «Устоз» жамғармаси маҳалла кекса ва қариялари билан ишлайди ва ҳоказо. Аслида бизнинг жамғармалар билан яқиндан ҳамкорлигимиз аллақачоноқ бошланган ва бунинг ижобий натижалари яққол кўриниб турибди. Жамғармалардан ташқари турли идора ва уюшмалар, масъул ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик хусусида шартнома имзолаб, аниқ белгиланган режалар доирасида ишласак, яна бир қатор ижобий натижаларга эришишимизга шубҳам йўқ.

Ҳамкорликда ишлаш таклифини сўзга чиққан қатор ташкилот ва жамғармаларнинг раҳбарлари ва вакиллари ўз маърузаларида ижобий баҳоладилар ва қўллаб-қувватладилар.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси юртимизда фаолият кўрсатаётган «Соғлом авлод учун», «Экосан», «Нуроний», «Меҳр-шафқат ва саломатлик», «Наврўз», «Болалар», «Устоз», «Шаҳидлар хотираси», «Ибн Сино», «Имом ал-Бухорий», «Умид» жамғармалари, Республика байналмилал маркази, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, «Ватанпарвар» ташкилоти, республика «Маънавият ва маърифат» Маркази, «Ижтимоий фикр» жамоат маркази, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон «Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар» жамияти, «Истиқлол гулшани» жамияти ҳамда Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси билан ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

«КЕНГАШЛИ ТЎЙ ТАРҚАМАС»

Йиғилишда шунингдек, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ҳузурида фаолият кўрсатувчи жамоатчилик маслаҳат Кенгашининг Низоми тасдиқланди, Кенгаш аъзолари ва доимий Ишчи гуруҳининг рўйхати эълон қилинди. Низомга кўра, Кенгаш аъзолари давлат идоралари ва маҳалла фуқаролар йиғинларида, нотижорат ва нодавлат ташкилотларида, ўзини ўзи бошқариш органларида тажриба орттирган етук мутахассислар, таниқли олимлар, демократик институтлар ва жамоат ташкилотларининг юқори малакали мутахассислари ва раҳбарларидан иборат бўлиб, жамғарманинг ҚҚР, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўлимлари, туман ва шаҳарлардаги бўлинмалари ҳузурида ҳам бошқарув раёсати қарори билан жамоатчи маслаҳат Кенгаши ташкил этилиши алоҳида таъкидланди. Кенгашнинг асосий вазифалари жамғарманинг фаолиятини назорат-таҳлил қилишда қатнашиш, маҳаллалар ишининг давр талаби даражасида бўлиши борасида жойларда амалий фаолият кўрсатиш, ҳисобот-сайловларни ўтказишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатишдан иборат бўлади.

Йиғилиш иштирокчилари муҳокамасига ҳавола этилган Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви, унинг ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлимлари, туман ва шаҳарлардаги бўлинмалари фаолиятининг турли жиҳатларига доир бошқа бир қатор ташкилий масалалар ҳам қизғин муноза ва баҳсларга сабаб бўлди. Йиғилишда қатнашган оқсоқоллар, жамғарманинг ҚҚР, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўлимлари, туман ва шаҳарлардаги бўлинмалари раислари, оқсоқоллар ярим йиллик фаолиятларини таҳлил этибгина қолмай, келгусидаги мақсад ва вазифаларини белгилаб олдилар, тажриба алмашдилар.

Мавлуда ҚОСИМОВА тайёрлади

Басир кўзлар очилганида!

13 август куни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига пушаймонлик аризаси билан ўзини «Ўзбекистон ислом ҳаракати» деб атовчи террорчилар тўдасининг Афғонистондаги антитеррор амалиёти пайтида ўлдирилган аъзоси Комил Алимовнинг оила аъзолари мурожаат қилди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз - Мустақиллик айёмига саноқли кунлар қолмоқда. Бу йил халқимиз ўн биринчи бор ана шу шонли санани кенг нишонлаётир.

Биз бундан ўн бир йил аввал - мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган дастлабки кунларданоқ энг олий мақсадимиз - юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, замонавий талабларга жавоб берадиган демократик жамият барпо этиш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда яшаш ва халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Истиқлол шарофати туфайли зулм-зўравонликдан, қарамликдан халос бўлган халқимиз эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек асрий орзусига эришди. Шоирлар лутф қилганидек, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.

Айни чоғда, одамнинг оласи ичида, деганларидек, таассуфлар бўлсинки, орамиздан бу ёруғ ва дориломон кунларнинг қадрига етмаганлар ҳам чиққани сир эмас. Булар - мустақилликдек буюк неъматнинг мазмун-моҳиятини теран англамаган, юрт иқболи, эл бахтидан қувониш ўрнига, аксинча, ислом динини ниқоб қилиб, Ўзбекистонимизни демократик маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга, орқага қайтаришга уринаётган тажовузкор, ақидапараст ташқи ёвуз кучлар сафига қўшилиб, террорчиликка қўл урган, Ватанга қарши жиноят йўлига кирган кимсалардир.

Бундай кимсалар кирган кўчанинг боши берк, истиқболсиз, аянчли экани тобора исботини топаётир ва улар ўз манфур қилмишлари учун, албатта, Ватан, халқ ва қонун олдида жавоб берадилар. Ватанга, халққа қарши қилинган жиноят, хоинлик - кечириб бўлмас гуноҳдир.

Шу билан бирга, ақидапараст ёвуз кучларнинг қутқусига учраб йўлдан адашган, ғўр, дунёқараши ҳали аниқ шаклланмаган ёшлар ҳам борки, улар танлаган йўллари хатолигини ўз вақтида тан олса, адашганлари учун ҳуқуқ-тартибот органлари ҳузурига келиб, виждонан кечирим сўраса ва бу хавфли йўлдан қайтганлигини самимий эътироф этса, Президентимиз бундай ёшларни кечириши, ҳаётга тўғри йўл топиб олишларига имкон берилишини айтгандилар.

Йўлбошчимизнинг бундай оталарча мурувватли, олийжаноблиги замирида халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримлилик ҳиммати билан бир қаторда, Ислом Каримов шахсиятидаги инсонпарварлик, юксак инсоний салоҳият, сиёсий донишмандлик фазилатлари ҳам ўз мужассамини топган.

Ўтган давр мобайнида ўнлаб чалғиган ёшлар ана шу инсоний огоҳлантиришдан ўз вақтида фойдаланиб, тавба-тазарру йўлини тутдилар. Ҳа, алломалар айтмоқчи, тўғри йўлга қадам қўйишнинг биринчи шарти - айбга иқрор бўлиш, самимий тазарру қилишдир. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

13 август куни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига пушаймонлик аризаси билан ўзини «Ўзбекистон ислом ҳаракати» деб атовчи террорчилар тўдасининг Афғонистондаги антитеррор амалиёти пайтида ўлдирилган аъзоси Комил Алимовнинг оила аъзолари мурожаат қилди.

Яқинда ўз туғилган юртига, Хива шаҳрига яна бир оила аъзолари қайтиб келди.

Унинг хотини Дилором Отажонова ҳамда тўнғич ўғли Ҳусин Алимовга нисбатан қўзғатилган жиноят иши ёпилди.

К.Алимов оиласи Афғонистонда террорчиларга қарши бошланган ҳаракатлардан қочиб, Покистонга ўтган эди. У ерда Ватанга қайтиш истаклари борлигини айтиб, Ўзбекистон элчихонасига мурожаат қилди. Элчихона ходимлари кўмагида азоб-уқубатлардан зада бўлган Д.Отажонова ва ўғиллари Ҳусин, Алимбой, Жавлонбек ҳамда беш яшар қизчаси Сожида 10 август куни ўзлари туғилиб ўсган кўҳна Хива тупроғини, соғинчдан эзилган қон-қариндошларини кўришга муяссар бўлдилар.

Рўзғор эгасининг ғоявий адашиши оқибатида бу оила бошига тушган уқубатли кунлар, ғурбатдаги дарбадарликлар, чексиз азоб ва машақатлар аччиқ, аммо ибратли бир қисса бўлгулик.

1999 йилнинг бошида оила бошлиғи - К.Алимов экстремистик ғояларга ишониб, каллакесар жангарилар тўдасига қўшилиш учун оиласи билан Тожикистоннинг Тавилдара туманига чиқиб кетган эди. Апрель ойида унга катта ўғли Ҳусин ҳам қўшилди. Оила жангарилар лагерида яшай бошлади. Комил ва Ҳусинга араб, тожик ва чечен инструкторлари томонидан қўпорувчилик ҳаракатлари ўргатилди.

Таъкидлаш керакки, Ҳусинга лагерь ёқмади, бироқ отасининг тазйиқи остида ўсмир шу ерда қолишга мажбур бўлди. Ҳусиннинг гапларига кўра, мазкур лагерда тайёргарликдан ўтган жангариларнинг асосий қисми 1999 йилнинг июль ойида Қирғизистоннинг жанубида содир этилган Боткен воқеаларида иштирок этган.

Шуниси ҳам маълумки, Хоразмдан келганлар ушбу хатти- ҳаракатларга жалб қилинмаган. Бунга 1999 йилнинг май ойида террорчилар гуруҳи бошлиқлари томонидан Ўзбекистонга қайтиш истагини билдирган 17 нафар кишининг отиб ўлдирилиши сабаб бўлди. Чунки уларнинг аксарияти Ўзбекистон Президентининг авф этиш тўғрисидаги қароридан сўнг уйига қайтмоқчи бўлган хоразмликлар эди.

Бу хунрезлик тўда ичида уруғ-аймоқчиликка асосланган зиддиятлар кескин кураш, шунингдек, мўлжалланаётган жанговар ҳаракатлар тўғрисида маълумотларни сир сақлашга қаратилган эди.

Дунё ҳамжамияти таъсирининг натижаси ўлароқ, 2000 йилнинг май ойида жангарилар тўдасининг бир қисми, жумладан К.Алимов оиласи ҳам Тожикистондан чиқариб юборилди. Бу ердан улар Афғонистоннинг Кундуз вилоятига йўл олди.

Афғонистонда эса К.Алимов оиласини бўлиб юборишди. Ҳусин ва унинг укалари Қобулга мадрасада ўқиш учун жўнатилди. Оиланинг қолган аъзолари Мозори Шарифда жойлашди. 2000 йилнинг охирида уларнинг катта қизи - Малоҳат Алимова наманганлик жангарига турмушга узатилди ва кейинчалик эри Малоҳатнинг оиласи билан юртига қайтишига қаршилик қилди.

Ҳусиннинг гапларига қараганда, Афғонистондаги анчайишига, босқинчилар ўртасида ишончсизлик ортишига олиб келди. Боткен воқеаси арафасида гуруҳ раҳбарлари кўрсатмаси бўйича барча хоразмликлар Тавилдара ҳудудидаги ғорлардан бирига қамаб қўйилиб, жангарилар томонидан таҳқирлаш, хўрлаш ва қийноқларга дучор этилди. Бундай ҳаракатлар, табиийки, уларнинг Ватанга қайтиш истагини сўндиришга, шунингдек, мўлжалланаётган жанговар ҳаракатлар тўғрисида маълумотларни сир сақлашга қаратилган эди.

Дунё ҳамжамияти таъсирининг натижаси ўлароқ, 2000 йилнинг май ойида жангарилар тўдасининг бир қисми, жумладан К.Алимов оиласи ҳам Тожикистондан чиқариб юборилди. Бу ердан улар Афғонистоннинг Кундуз вилоятига йўл олди.

Афғонистонда эса К.Алимов оиласини бўлиб юборишди. Ҳусин ва унинг укалари Қобулга мадрасада ўқиш учун жўнатилди. Оиланинг қолган аъзолари Мозори Шарифда жойлашди. 2000 йилнинг охирида уларнинг катта қизи - Малоҳат Алимова наманганлик жангарига турмушга узатилди ва кейинчалик эри Малоҳатнинг оиласи билан юртига қайтишига қаршилик қилди.

Ҳусиннинг гапларига қараганда, Афғонистондаги антитеррор амалиётларидан сўнг тирик қолган жангариларнинг аксарияти ўз хатти-ҳаракатлари хато, хомхаёл ва боши берк йўл эканини тушуниб етган ва тинч ҳаётга қайтиш ниятида. Бироқ, Ўзбекистонга қайтиш истагини билдирган ҳар бир жангари тўданинг «идеология бўлими» деб аталмиш гуруҳи жангарилари томонидан руҳий ва жисмоний тазйиқларга дучор бўлмоқда.

Ушбу бўлимни «Зубайр Ибн Абдураҳмон» лақабини олган М.Исмоилов бошқаради. Масалан, бўлим вакиллари Ҳусин Ўзбекистонга қайтадиган бўлса, тезда қўлга олиниши ва шафқатсиз қийноқларга дучор этилиши ҳақида обдон қулоғига қуйишган.

Бундан ташқари, «идеология бўлими» фаолияти ҳақида гапирар экан, Ҳусин бу гуруҳ Ўзбекистондан келаётган ахборотларни сохталаштириш ва бузиб кўрсатиш билан шуғулланишини таъкидлади. Масалан, вазни 150 килограмм бўлган ва гўёки Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари қўлига тушгач 120 килограммга «озган» ва вафот этган жангарининг «сурати» тайёрлаб тарқатилган. Кейинчалик Ҳусин бу жангари Эронда соғ-омон юрганини билиб олди.

Ҳозирги вақтда мужоҳидларнинг жанговар руҳидан асар ҳам қолмаган. Улар фаол ҳаракатга қодир эмас. Эндиликда «эътиқод йўлида шаҳид кетиш» идеологияси кўпчиликка таҳқирлаш бўлиб туюлмоқда. Аксарият жангарилар кимларнингдир қўлида қўғирчоқ бўлиб қолаётганликларини тушуниб етяпти. Лагерда авж олган чақма-чақарлик барчанинг юрагини олиб қўйган, ҳеч ким кўнглидагини очиқ айтмайди, гап-сўзсиз қамаб қўйишларидан қўрқади.

Бироқ, деярли, барча Ватанга қайтиш ниятида. Оналари қочиб кетмаслиги учун болаларни мажбурлаб мадрасага беришади. Аёллар ижтимоий ҳаётда умуман иштирок этмайди. Уларнинг асосий вазифаси - бола туғиш ва тарбиялаш, овқат пиширишдан иборат. Аёллар паранжида юришга мажбур. Болалар ўлими жуда юқори.

Айни пайтда ўзларини мусулмонпарвар кўрсатувчи бу жиноятчилар гуруҳи бошлиқлари тўқлик, тўкин-сочинликдан сармаст. Улар Афғонистон ва Покистондаги ҳашаматли уйларда яшайди, қўша-қўша хотинлари бор, шахсий ҳайдовчилар уларни энг сўнгги русумдаги машиналарда олиб юради.

Бу дабдабаю ҳашамат наркобизнес ва қурол-яроғ савдосидан тушган пул ҳамда турли экстремист ташкилотлар томонидан жангариларни таъминлаш учун ажратилаётган маблағлар ҳисобидан экани маълум. Улар шариат қоидаларига амал қилмайди. Ҳусиннинг айтишича, жангарилар бесоқолбозлик ва хотинбозлик билан шуғулланади, порнофильмлар кўриб, гиёҳванд моддалар ва спиртли ичимликлар истеъмол қилади.

Ҳусин Ўзбекистонга қайтгач, собиқ жангари, илгарироқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоларига ўз ихтиёри билан келган хивалик Отабек Қозоқов билан учрашди.

Отабек ҳозирги вақтда Хоразм вилояти ҳудудида илгари алдов йўли билан экстремистик фаолиятга жалб қилинган, лекин вақтида бу йўлдан қайтган ва давлат томонидан амнистия қилинган 20 киши истиқомат қилаётгани ҳақида сўзлаб берди. Айни пайтда бу адашган кишилар тинч ва хотиржам ҳаёт кечирмоқда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан уларга ҳеч қандай тазйиқ ўтказилаётгани йўқ.

Умуман, бугунги кунгача ўзини «Ўзбекистон ислом ҳаракати» деб атовчи ноқонуний қуролланган тўданинг 101 нафар собиқ аъзоси мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ўз айбига иқрор бўлиб келган. Уларнинг барчаси ҳозир ўз оилалари бағрида яшаяпти ва тинч меҳнат билан машғул. Донишлар айтганидек, тавба қилиш яхши-ю, лекин ўзни ёвузликдан асраш ундан ҳам яхшидир.

Бугун адашган бир кимсанинг изидан юртма-юрт, тоғма-тоғ улоқиб юрган бутун бошли оила қайтадан Ватан остонасига қадам қўйди, юрт тупроғини ўпди, авф сўраб, кўзи кеч очилганини тан олди.

Басир кўзлар очилса, аввало, оқ-қорани танийди, яхши- ёмонни ажратади, дўст билан душманни фарқлайди.

Энди аянчли қисмат кўчасидан ҳаётнинг кенг, ёруғ йўлларига тушиб олиш, ўзларига кўрсатилган инсонийлик ва бағрикенгликни чуқур англаш бу оиланинг аъзоларидан ҳаёт биринг олдида турган ҳаёт-мамот масаласидир. Агар уларнинг тавба-тазарру ва таассуфлари самимий бўлса, халқимиз билан ёнма-ён, елкама-елка мустақил тараққиёт йўлида шаҳдам одимлаш, Истиқлолимизнинг ҳаётбахш ҳаволарида ҳамнафас бўлиш бахти уларга ҳам насиб этгай.

Мирзо ОДИЛОВ (ЎзА)

МИНОРАДАН КЎРИНАДИ ХОРАЗМНИНГ МАҲАЛЛА-КЎЙИ

Хоразм! Азиз авлиёлар қадами теккан муқаддас тупроқ. Илму ҳикмат сарчашмалари мудом қайнаган диёрдир бу. Дунёдаги энг биринчи Академия Хоразмда ташкил топган. Шу юрт довруғини оламга ёйган улуғ шахсларнинг муборак номлари бу кун тарихимиз осмонида ёрқин юлдуздек порлаб турибди. Хоразмлик аёллар бешик бошида аллаларни ҳам худди қўшиқдек куйлаб айтишади. Бу юртдаги ҳар бир хонадон деворларида қадимги чолғулар осиғлиқ туради. «Лазги»сию яллалари, титрама ўйину лапарлари билан машҳурдир бу халқ. Ҳофизлари булбулнафас, шоирларининг ҳар сўзида ҳикмат яширин...

Айтишларича, бир пайтлар юрт осойишталигини билмоқ учун шоҳ аёнлари Хива минорларига чиқиб ёнатрофни кузатишаркан. Ушбу минора устидан туриб қаралганда, Хоразм еридаги ҳар бир қишлоқ аниқтиниқ кўриниб тураркан. Воҳанинг ҳавоси шу қадар мусаффо бўлган эканда, дея ўйлайсан беихтиёр. Мусаффо ҳавоси, зилол суви ва ям-яшил кенгликлари билан шифобахш саналган Хоразм диёрида фан, маданият ва санъат доимо равнақ топиб келган. Эндиликда воҳанинг бағри кенг, меҳридарё ва серғайрат кишилари янада завқ-шавққа тўлиб меҳнат қилишмоқда. Очиқроқ айтганда, Истиқлол шукуҳи уларни шижоатли ҳаёт сари илҳомлантираётир. Шу учун ҳам ўтган қарийб ўн бир йил мобайнида хоразмликлар барча соҳалар бўйича улкан ютуқларни қўлга киритдилар. Бу ердаги маҳаллалар эндиликда илгаригиларидан кескин фарқ қилади. Маҳаллада яшаётган ҳар одам бу кун ўз маҳалласи ва ўз юртининг шуҳратини янада ошириш, янги ташаббуслар билан майдонга чиқиб, янги мўъжизалар яратиш иштиёқи билан яшамоқда. Ҳунарманд ва билимдон ёшлар эса хоразмликларнинг қувончи, умиди! Улар Хоразмнинг эртанги кунини мана шундай ёшларга ишонишади.

Ушбу саҳифамизда хоразмлик бунёдкорларнинг Мустақиллик байрами арафасидаги орзу-ўйлари, маҳаллаларда бугунги кунда амалга ошираётган кенг қамровли ишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Жамғарма бўлимлари фаолияти

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҚАДР ТОПАВЕРСИН

Истиқлол йилларида маҳаллалар ҳаёти тубдан ўзгарди, фаолият доираси кенгайди. Кишиларимиз маҳалланинг мазмунмоҳиятини, афзаллик жиҳатларини янада чуқурроқ англаб етдилар.

Баҳодир БОБОЖОНОВ,
Хоразм вилояти Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси.



Бу эса ўз ўрнида инсоний қадриятларимизнинг тикланишига туртки берди. Қадимда Хоразм воҳасида ҳунармандлар маҳаллалари кўп бўлган. Ҳар бир маҳалла шу жойда яшовчиларнинг ҳунари билан номланарди. Бора-бора буткул унутилиб кетган бундай анъаналар бугунги кунга келиб ўз шаклу шамойилини топди, кишилар ўртасида ҳунарнинг кадрини янада оширди. Маълумки, ҳунари орқасидан кун кечириб, ҳалол меҳнати туфайли бойиган халқ ўзаро ҳамжиҳат ва якдил бўлади. Хоразмликлар ҳам айнан шундай. Учта шаҳар, ўнта тумандаги жамики маҳаллаларимизда азалий қадриятларимизга суяниб аҳил ва иноқ турмуш кечирадиган ҳунарманд ва кенгфеъл кишилар яшашади.

Халқимизнинг чиройли урф-одатларини қайта қарор топтириш, ҳар бир кўча, ҳар хонадонда осойишталик бўлишига эришиш, муҳтож ва боқувчисини йўқотган оилаларга доимий равишда кўмак уюштириш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш бугунги кунда маҳаллаларимиз олдида турган устувор вазифа саналади. Бизда ҳар бир байрамга ўзаро бирдамликда тараддуд кўрилади. Наврўз ва ҳайитларда кишиларимизнинг маҳалла-маҳалла бўлиб бир бутунликда байрам нишонлаётганига гувоҳ бўламиз. Улар миллий байрамларимизни қадимий усулда ва чинаккам замонавий тартибда ўтказадилар. Бу йил Наврўз байрамида кам таъминланган оилаларда яшовчи қарияларга 327460 сўм миқдорида ёрдам кўрсатилди. Хива шаҳрида жойлашган 97-сонли ақли заиф болалар интернат-мактабига 31500 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда 343000 сўмлик оёқ кийимлари берилди. Шунингдек, ногиронларга жамғармамиз томонидан 108040 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Бундан ташқари, халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида ҳам интернат-мактаб болаларига 47100 сўмлик ёрдам кўрсатилди. Кўплаб хайрли тадбирларимиз кишилар ўртасида меҳр-оқибат, инсоф-диёнат сингари инсонийлик тушунчаларини қарор топтираётгани ҳаммамизга аён. Ахир одамлар доимо бир-бирларини қўллаб-қувватлаши, қийин вазиятларда бир-бирларига ёрдам бермоқлари даркор. Бу аждодларимиз удуми бўлиб келган.

Маълумки, қудратли давлат қуриш учун аввало бугунги ёшларнинг тарбиясига алоҳида эътибор бериш керак. Шу мақсадда ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитларни яратмоқдамиз. Спорт билан мунтазам машғул бўлган болалар кучли ва довюрак бўлиши табиий. Маҳаллаларимизда 1465 та футбол жамоалари мавжуд. Бу жамоаларда 29300 та ўсмир ёшлар футбол мусобақаларида қатнашмоқдалар.

Болаларни спортга ва турли ҳунарларга жалб этишнинг афзаллик томонлари шундаки, ёшлар вақтни беҳуда ўтказишмайди, шу аснода ўзлари ҳам мустақил ҳаётга ҳам жисмонан ,ҳам маънан тайёр бўла боришади. Ёшлар ўртасида ичкиликка ёки гиёҳвандликка берилиб кетишнинг олдини олиш борасида турли тадбирларни доимий равишда ўтказиш иш режамиздан алоҳида ўрин олган. Бунда бизга вилоят ички ишлар бўлими ходимлари яқиндан туриб ёрдам беришмоқда. Вилоятда ёшлар жиноятчилиги билан боғлиқ ҳодисаларнинг рўй бериши ўтган йилларга нисбатан анча озайди. Ҳамкорликда қилинган ишлар фақат ёшлар билан шуғулланиш давомида эмас, балки бошқа тадбирларимизда ҳам ўз самарасини бермоқда. Хусусан, «Қарияларни қадрлаш йили»да кексаларимиз ҳаётига эътибор бериш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ҳамда турли зиёратгоҳларга оммавий равишда саёҳатлар уюштиришга эришяпмиз. Яқинда Шовот туманидан 31 нафар, Урганчдан 50 нафар, Боғотдан 64 нафар, Хазораспдан 473 нафар ҳамда Хива шаҳридан 50 нафар кексаларимиз Баҳоуддин Нақшбанд, Имом ал-Бухорий, Юсуф Ҳамадоний, Паҳлавон Маҳмуд, Султон Увайс бобо сингари улуғ аждодларимизнинг зиёратгоҳларда бўлиб, катта таассуротлар билан қайтдилар.

Хуллас, маҳалла эндиликда кишиларни бир жойга жипслаштириб, бамаслаҳат иш юритишга ундовчи қутлуғ масканга айланиб бормоқда. Бундай жипслашув оқибатида хонадонларимизда осойишталик ва ўзаро аҳиллик юзага келиб, болалар тарбияси учун муҳим бўлган соғлом муҳит яратилмоқда. Азалий қадриятларимизнинг қайта тикланиб, турмуш тарзимизда акс этишида ҳам маҳалланинг ўрни беқиёс. Шундай экан, чиройли оилалар ҳисобига жамият янада гуллаб-яшнаб, кўҳна қадриятларимиз янгича мазмунда тўла қарор топаверсин.

СЎЗ АЙТСА, УСТИДАН ЧИҚАР БУ АЁЛ

Урганчликлар Онабиби Маткаримова фаолиятига шундай баҳо берадилар

**** Оқсоқолнинг ишида чегара йўқ.***
**** Экинни қачон суғориш ҳам эсдан чиқмайди.***
**** —Маҳаллада Парламентни ҳам билишсин, - дейди Онабиби опа.***

Бу аёлнинг борар жойи кўп, ташвишлари бисёр. Баъзи бировларга ўхшаб куннузун идорада ўтиришни ёқтирмайди. Ҳатто иш столидаги телефон жиринглаб қолса, гўшакни олишга шошилмайди. «Ахир телефонда иш битириб бўлармиди, бориш керак, кўриш керак» дейди-да, шарт ўрнидан туриб маҳаллани айланишга отланади.

Бир қарашда бу аёл етакчилик қилаётган Ал-Хоразмий номли маҳалла ҳам Урганч шаҳридаги бошқа маҳаллалардан фарқ қилмайди. Муаммолари ҳам, кишиларнинг орзу-истаклари ҳам бир-бириникига ўхшаб кетади. Мана, масалан ёшлар тарбияси билан боғлиқ масалалар қайси маҳалла оқсоқолининг иш режасида йўқ? Ёхуд хонадон ва кўчаларни ораста тутишга бошқа маҳаллаларда эътибор берилмаяптими? Кам таъминланган оилаларга моддий мадад кўрсатиш-чи? Хуллас, шунга ўхшаш жамики муаммолар ташвишлар маҳалла оқсоқолларининг фикру хаёлини банд этган. Онабиби Маткаримова эса кун тартибидаги масалаларни бирмабир ҳал этиш баробарида кўпроқ одамлар қалбига қулоқ тутиш керак, деб ўйлайди. Тўғрида, баъзан битта хонадонда юз берган ташвишли воқеа бошқаларнинг тақдиригаям таъсир этади. Бир ўсмир ножоиз кўчага кириб қолсаю, маҳалладагилар бунга эътибор бермаса, вақти келиб ўша боланинг фожиали тақдири бутун маҳалла ҳаётига таъсир этади-ку! Ҳарҳолда бундай масалаларга кенгроқ ёндашиш керак бўлади. Шу учун ҳам Онабиби опа маҳаллада яшовчи ҳар бир она, ҳар бир бола билан ўзи суҳбатлашиб боради, кўнглидагиларни билишга ошиқади. Ҳатто турли тадбирларга ҳам ўзи аралашади, «Қизлар давраси» ўтказилаётганида бошдан охиригача шу танловни кўриб, ўтирганига гувоҳ бўлган бирор киши «Маҳалла раисининг шундан бошқа иши йўқми?» дейиши мумкин. Лекин, Онабиби Маткаримова оддий тадбирларнинг ҳам пишиқ-пухта ташкил этилишини ва кўпчиликда яхши таассурот қолдиришини истайди. Шунга ҳаракат қилади. Аслида бу ҳам бир фидойилик. Ахир инсон борки, у ён-атрофидаги бирор нарсага бефарқ бўлмаслиги лозим. Онабиби Маткаримова эса раҳбар, у маҳалла кишиларининг ўй-кечинмаларининг кунба-кун билиб туриши, лозим бўлса хонадонларга ёрдам кўрсатишга бош-қош бўлиши зарур. Ахир каттами-кичикми, ҳар бир маҳалланинг ўзига хос ташвишлари бўлади.

Одамлар томорқаларини фақат кечаси суғоришлари шарт, акс ҳолда асосий тирикчилик манбаи бўлган бошқа экинларга сув етмай қолади. Шу нарса кейинги пайтда одамлар ўртасида баъзи бир тушунмовчиликларни келтириб чиқарди. Онабиби Маткаримова кеч соат 24 дан то эрталабга қадар суғоришни навбат билан ташкил этиш масаласини таклиф этди. Келишмовчиликлар барҳам топди. Шунингдек, кишиларнинг кўпчилиги бугунги кун воқеаларига лоқайд, фақат ўз тирикчилиги билан банд. Ахир бир кишининг фикрсизлиги бошқаларга ҳам салбий таъсир кўрсатади-ку. Балки турли маънавий-маърифий тадбирларни янада кўпроқ ўтказиш керакдир! Онабиби Маткаримова шундай қарорга келгач, тадбирларнинг бирида кейинги сессияларимизда кўрилган масалалар моҳияти ҳақида сўзлади. «Янги парламент», «Икки палатали парламент» сўзларининг мазмунини тушунтириб берди. Бошқа тадбирларда буни янада кучайтириб, олимларни суҳбатга чорлади.

«Маҳалланг - ота-онанг» деган қадимий гап бор. Маҳаллада ҳеч бир бола ўзини ёлғиз ҳис этмаслиги керак. Ҳатто ота-онаси бўлмаган чоғда ҳам... Кейинги пайтда етим болаларнинг хатна тўйини ўтказиш маҳаллаларда одат тусига кирди. Бироқ, бундай болаларнинг кўнгилларини овлаш осон эмас. Онабиби Маткаримова маҳалладаги Жалолиддин Раҳимов, Дилшод Матчонов сингари болакайларнинг суннат тўйларини ўтказгач, уларнинг номига махсус ҳисоб рақами очдирди. Ўзи ҳам болакайларнинг ҳол-аҳволидан кунба-кун хабардор бўлиб турди.

Хуллас, шунақа гаплар... Онабиби Маткаримова учун маҳалла кишилар яшайдиган шунчаки жой эмас, аксинча у катта тарбия ўчоғи. Бу масканда қилинаётган ҳар иш одамларнинг назарида бўлади, демак маҳалла оқсоқоли маҳалла аҳлининг фикрини қўзғаши, эзгу ишларга илҳомлантириши ва уларда маҳалла ҳаётига масъуллик ҳиссини уйғотиши керак. Онабиби опа кўпинча бунга эришади, маҳалла ҳаёти яхши томонга ўзгараётганидан қувонади.

Мана, етти йилдирки, у шундай ташвишлар ичида беҳаловат яшайди. Бундан ўкинмайди. Негаки, одамларни деб беҳаловат яшасанг, вақти келиб уларнинг меҳри сенга ҳаловат беради. Бу ҳақиқатни Онабиби Маткаримова чуқур фаҳмлайди. Балки шу учун ҳам у кейинги йилларда ҳамманинг назарида бўлиб қолган бўлса ажабмас. Мустақиллик йилларида «Эл-юрт ҳурмати» орденини олгани ҳам бежизга эмасдир. Ахир фидойи инсон ҳар жойда эъзозланади, ўзининг чеккан заҳматларига муносиб фот олаверади. Бу мукофот эса одамлар меҳри, ишончи... Онабиби Маткаримова шундай меҳрни қозониб улгурган, шундай ишончга сазовор бўлди. Демак, у ўзини бахтли ҳисобласа бўлади.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
Суратда: Ал-Хоразмий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси О.МАТКАРИМОВА ва Олий Мажлис депутати Г.ИБОДУЛЛАЕВА

Маҳаллада тадбир

К.ОТАЕВ олган сурат

Илҳом

Хоразм воҳасининг ардоқли шоири Сотим Аваз ижодидан баҳраманд бўлган киши сеҳрли туйғулар таъсирида қолади, юз бир хил оҳанглар уни аллалаётгандек, вужудига завқ-шавқ олиб кираётгандек бўлади. Ижодкор «Кечиккан баҳор», «Тонгги ҳислар», «Ҳуқуқ» номли бир қанча шеърий мажмуалари, «Темурғози тўра» қиссаси ҳамда «Гўзал Шерғози», «Жалолиддин Мангуберди ҳаётининг тасвири», «Қўндоқдаги белгилар» таржима асарлари билан ўз мухлисларининг эътиборини қозонди. Яқинда шоирнинг яна бир янги шеърий тўплами - «Нозбўйларим» китоби чоп этилди. Энг аҳамиятлиси, шоир маҳалла-кўй ҳаётини жон-дил билан ижодида куйлайди. Ҳозир у Урганч шаҳар газетаси бош муҳаррири бўлиш билан бирга ўзи яшаётган маҳалланинг кўча бошиси ҳам.

Сотим АВАЗ

Хива туманидаги Б.НУРУЛЛАЕВ номли жамоа хўжалигида гилам ва палос ишлаб чиқарувчи «Усто-Шогирд» кичик корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Суратда: моҳир гилам тўқувчи Марям АБДУШАРИПОВА шогирдларига ўз ҳунари сирларини ўргатмоқда.

Эл корига яраганлар

БЎЗҚАЛЪАДА ШИФЕР ЧИҚАДИ

Хоразмда Бўзқалъани билмайдиган кишилар кам топилади. Бир пайтлар у ўзининг ширин-шакар қовунлари билан донг таратган бўлса, бугунги кунда эл корига яраётган, унинг оғирини енгил қилаётган тадбиркор ва ишбилармон кишилари билан машҳур.

Тадбиркор олим Жобберган оға Отажонов шу қишлоқ фарзанди. У Бўзқалъанинг бепоён даладарида ўсиб балоғатга етди. У кўпдан маҳаллий хом-ашёдан арзон ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган мини заводлар лойиҳаси устида иш олиб бораётганди. Эндиликда, бу лойиҳаларни амалда қўллаш вақти етди.

Тадбиркор олим энг аввало, ишни гуруч оқлаш хорозини қуришдан бошлади. Кейинроқ ун тегирмони ишга тушди. Муҳими шундаки, Ж.Отажонов уларни сотиб олмади. Ўзи яратган лойиҳа асосида битказди. Цехлар ишга тушиб, қўлга маблағ кира бошлагач, бир йўла иккита - Омухта ем ҳамда шифер ишлаб чиқарадиган мини заводлар қурилишини бошлаб юборди. Ушбу цехларнинг афзаллиги шундаки, улар тўла маҳаллий хом-ашёдан маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

- Мини заводларимиз қурилиши битай деб қолди, - дейди Ж.Отажонов. - Илк нишона маҳсулот ишлаб чиқарилди. Улар мутахассислар томонидан яхши баҳоланди. Шиферни асосан қўй жунидан тайёрлаймиз. Жун махсус мосламада қотирилгач, юзи алибастр билан қопланиб, қаваріқ ҳолга келтирилади. Унинг яна бир устун жиҳати шундаки, қўй жунидан тайёрланган шифер сингганда ҳам узилиб тушмайди. Бўлакланмайди ҳам. Уни бир мих билан яна жойига қоқиб қўйиш мумкин.

Иккинчи мини заводимиз - Омухта ем ишлаб чиқариш цехининг ҳам келажаги порлоқ эканлигига ишончим комил. Чунки, биринчидан омухта ем доимий харидоргир маҳсулот бўлса, иккинчилан, цехимиз ҳеч қачон хом-ашёсиз қолмайди. Негаки, у маҳсулотни ёнток, сомон, буғдой кепаги ва шунга ўхшаш исталган кўк ўтлардан тайёрлайди.

Ҳа, Ж.Отажонов саъй-ҳаракатлари, илмий қобилияти туфайли қисқа муддатда Бўзқалъа бағрида темир минорлари осмонга ўрлаган иккита завод қад ростлади.

Айни чоғда бу ерда иш қизғин. Заводларни тўла қувват билан ишга туширишга ҳозирлик кўрилмоқда. Улар ишга тушса, яна юздан зиёд қишлоқ ёшлари иш билан таъминланади.

Бу саноат мажмуасининг ҳаммаси Ж.Отажонов бошлиқ «Ёғду» фирмасига қарашли. Келажаги порлоқ бўлган ушбу фирма маҳалланинг ҳар бир тадбирида мунтазам қатнашиб келади. Турли байрам, анъаналарда етим-есир, ногирон ва ёлғиз яшовчи кексаларга кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳадя этилади.

Қодир МУЛЛАЕВ.

Маҳаллалар ибрати

МЕЪЁР - ЭНГ ОДИЛ ТАРОЗИ

...Тўй жуда чиройли, дабдабадан холи, исрофгарчиликсиз ўтди. На маст-аласт юрган кишини учратасиз, на қийшанглаб турган рақкосани. Сокин бир улуғворлик, файз ва барака ёғилди гўё...

Урганчда ана шундай баҳога эришган, барчанинг ниятлари мустажоб бўладиган қутлуғ маҳаллалардан бири бу Бобур номли маҳалладир. Бу ерда ҳар бир тадбир ана шундай файзли ўтади.

Бу маҳаллада жиноят кўчасига кирганлар йўқ. Ёшлар фойдали юмуш билан машғул бўлмоқдалар. Бекорчиларни учратмайсиз. Ҳамжиҳатлик ва ҳурмат, иззат бир-биров билан қалин дўстлик иплари боғланган, Қўшнилар орасида сан-манга бориш ҳолатлари умуман йўқ.

Маҳалланинг чиройли қизларига ҳавасингиз келади. Кўчада ёқавайрон ҳолатда ўзини бозорга соладиган, қоматларни кўз-кўзловчи либослар бу маҳалланинг қизларига ярашмайди! Хуллас, миллийлик, қадрият ардоқланаётган бу маҳаллага ҳавасингиз келади.

Маҳалладаги фуқароларнинг тартиб-интизомини, яшаш шароитини яхшилаш, тинчликни сақлаш, маҳаллани ободонлаштириш мақсадида маҳаллада жойлашган кўчаларга кўчабошилар тайинланган. Улар ҳар бир кўчага, ҳар бир оилага масъул сезишади ўзларини...

Келин чиқадиган куни машиналар сони 4 тадан ошмаслиги учун ҳам масъуллар бор. Машиналар қаторлашиб юрганлиги туфайли баъзи тўйларнинг азага айлангани барчага аён-ку!

Марҳумлар хотирасига бағишланган маъракаларда дастурхонга нон ва ширадан бошқа нарса қўйилмайди. Бошқа маҳаллаларда эса бундай маросимларда тўйдагидек дастурхон ясатилади, бу кўпчиликнинг ғашига тегади. Чунки пиширилган таомларнинг ярмидан кўпи ейилмасдан қолиб кетади. Бобур маҳалласида эса бундай ҳолатлар содир қилинмайди.

Маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш борасида тунги навбатчилик жорий қилинган. Навбатчилик тунги соат 23 дан эрталабки 6.00 гача бўлади.

Бугунги кунда маҳалладаги фуқароларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш мақсадида маҳалланинг ўзида гўшт дўкони, сартарошхона, этикдўзлик устахоналари фаолият кўрсатаяпти. Бундан тушган даромадлар маҳалла эҳтиёжларига, ночор оилаларга ҳамда ободонлаштириш ишларига сарфланади.

Булар бариси маҳалла аҳлининг ютуғи албатта. Лекин шаҳримизда, вилоятимиздаги баъзи туманларда нега бундай интизомни жорий қилишнинг имкони бўлмаяпти? Баъзи маҳаллалардаги тўйларда содир бўладиган кўнгилсизликлар, спиртли ичимликларнинг ҳаддан ташқари кўр тарқатилиши, пул қистиришлар кўнгилни хира қилаяпти. Мусибат бўлган жойларда эса тўкин дастурхонлар «мунтазир». Аслида азадор хонадоннинг бунчалик сарф-харажатлар билан элга дастурхон ёйиши шарт эмаску! Бу диний томондан ҳам, инсонийлик, оддий одамгарчилик томонидан ҳам қораланади.

Муҳтарам Президентимиз бундай дабдабабозликларга вақтида чек қўйиш мақсадида 1998 йил 28 октябрдаги Фармонида тўй ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъракаларга ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик, шуҳратга берилмаслик каби инсоний фазилатларни айтган эдилар. Оралан тўрт йил ўтди! Лекин нима учун Фармон талаблари бажарилмаяпти? Кўп жойда юқоридагидек ҳолатлар ҳукм суриб келаяпти. Масъуллар қаёққа қарашаяпти? Наҳотки Фармон талабларини бажариш «қийин кечаётир?»

Фармонда «Маҳалла» жамғармаларига, хотин-қизлар қўмиталарига, диний мусулмонлар идорасига, маҳаллий ҳокимликлар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотларига бундай масъулиятли вазифани адо этишларида бир тан-у бир жон бўлишлари талаб этилган. Зеро, халқимиз табиатига ёт дабдабабозлик ҳолатларига зарба бериш, уларнинг олдини олиш, чек қўйиш фурсати етди!

Тўйларни исрофгарчиликсиз, дабдабабозликсиз, рақкосага пул қистирмасдан, чиройли ва гўзал қилиб ўтказайлик. Намунали ва маданиятли, юксак дид-фаросатли маҳаллалардан ибрат олайлик. Гўзалликка ошно бўлиб гўзал тўйлар қилайлик. Топганимиз тўйларга буюрсин!

Феруза ШИХНАЗАРОВА.

Карим бува гурунглари

(Туркумдан)

ЁШЛАРГА ДЕГАНЛАРИ

Ўтилларим, одам боласи
«Энди не қилай» деб айтмасин.
Устидан йўл тушиб, иложсиз
Иши орқасига қайтмасин,
Илойим, бахтингиз ётмасин.

Оға-ини керак йигитга,
Дўстсиз ҳеч ким яшай олмайди.
Лекин тенглик бузилган жойда,
Садоқат ва меҳр қолмайди.
Илойим, бахтингиз ётмасин.

Уч-тўрт тилни билсангиз, раҳмат,
Ажнабийни қойил қиласиз.
Аммо айтинг девон варақлаб,
Навоийни қачон биласиз?
Илойим, бахтингиз ётмасин.

Қариб қолдик, биз учун энди
Оғайнини ўқиш ғанимат.
Бу дунёда якка-ягона
Ташвишимиз ўзингиз фақат,
Илойим, бахтингиз ётмасин.

ДАМ ОЛИШГА ЧОҒЛАНГАН ДЎСТИГА АЙТГАНИ

Қўрпачада ётибмисан, чол,
Не гап, оёқларинг толдими?
Қариликка тан бериб энди
Болаларга қунинг қолдими?

Ўзинг ўйла, бизнинг йигитлик,
Ҳозир худди эртакдир, жўра.
Тур, боғингга ўзинг қарагин,
Болаларга буюрганлан кўра.

Ғанимни биз қандай қийратдик,
Қилич билан қулоч керганда.
Болалар ёш қўли тўнгаш,
Олмаларни бир-бир терганда.

Урушни-чи, бир эслагил-эй,
Бизларда ҳам бор экан юрак.
Ҳозир тинчлик, яхши замонда
Болаларинг ўқиши керак.

Бизларга ҳеч осон бўлдими,
Ғамни ичга ютдик сездирмай.
Суяги қотмаган норасга
Болаларни уйдан бездирма!

Хотирангда гап йўқ аслида,
Юрагингда, виждонингда гап.
Ахир қанлай яшай олсан,
Болаларнинг нонига қараб?

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, Сизнинг содиқ йўлдошингиз -

MAHALLA ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

МАҚОМ — МЎЪЖИЗА. ҲИКМАТЛАР — ХАЗИНАДИР. КАМТАРЛИКДА БУЮК АЛИШЕР...

21 август
№ 34 (312).

Муносабат:

«Муножот»ни соғиниб

(31 июль)

САДОҚАТ НАМУНАСИ

Биз Бертахонимни фақат мақом қўшиқларининг устасигина эмас, балки меҳридарё аёл, ўзи туғилиб ўсган юртига садоқатли инсон сифатида ҳам яхши биламиз. Юртимиз истиқлолга эришиб, ҳамманинг эрки ўзида бўлиб қолган бир пайтда аждодлари яшаб ўтган юрт томон шошилган кишилар ҳам бўлди. Машҳур санъаткор эса ўз туғилиб ўсган, «Муножот»дек шоҳ қўшиқни куйлатган, ижодига имкон, юракка илҳом берган шу гўзал диёрга чин садоқатини намоён этди. Чинакам ўзбекона яшади, ўзбекона куйлади... Бир воқеани кўп эслайман.

Ғафур Ғуломнинг уйларида бўлганимда Юнус Ражабий кириб келдилар. Икки улуғ ижодкор инсон бир-бирлари билан қучоқлашиб кўришдилар. Юнус аканинг қўлларида бир неча пластинка бор эди. Ғафур ака ичкари уйдан радиопрёмник олиб чиқдилар. Юнус ака пластинкани қўйдилар. Ўша кунлари мақом куйлари ёзилган бу пластинка эндигина чиққан ва уни Ғафур акага тортиқ қилмоқчи эканлар. Мақом куйлари аста-секин ҳаммамизни сел қилиб юборди. Мен шунда икки улуғ зотнинг кўзларида ёш қалқиганини кўрдим. Куй тугагач, Ғафур ака ўринларидан туриб, Юнус акани қучоқлаб самимий табриклаганлар. Юнус ака кетгач, Ғафур ака шундай дедилар:

-Ўғлим! Мақом - мўъжиза, у миллатимизнинг шон-шуҳрати, қадр-қиймати. Мақомни эшитиб, кўзида ёш қалқимаган ўзбек ўзбек эмас. Биргина «Муножот»нинг ўзи ҳам инсон қалбини ларзага солади, ҳис туйғуларни жўш урдиради. Уни қойилмақом қилиб айтган Бертахоним яшасин!

Дарҳақиқат, Берта Давидова ижро этган «Муножот» қалбни беихтиёр сеҳрлаб қўяди.

Ҳамон ёдимда талабалик йилларимда жўралар билан «Муножот», «Ушшоқ», «Қаро кўзим»ни ўзимизча хиргойи қилиб юрардик. Ҳар бир гап-гаштак, тўй-томошада албатта «Муножот» куйланарди. Ёшу қари «Муножот»нинг ва Берта хонимнинг шайдоси эдилар. «Муножот» янграганидан бери неча замонлар ўтса-да, ҳамон бу куй ва унинг ижрочиси халқнинг дилидан ва тилидан тушмайди.

Фатхулла АБДУЛЛАЕВ,
шарқшунос олим.



Ўтмиш дурдоналари

Ибн МИСКАВЕЙҲ

«Жовизони хэрэд»

(«УМРИ БОҚИЙ ҲИКМАТ») АСАРИДАН

(Давоми. Аввали ўтган сонда)

СЎРАДИЛАР: инсон қандай қилса хотиржам яшайди?

ДЕДИ: гуноҳлардан қўрқса, бошига тушиши муқаррар кулфатдан ташвишланмаса.

СЎРАДИЛАР: ҳаётда яхши фикр нима?

ДЕДИ: хурсандликда яшамоқчи одам қаноатлик бўлиши, Аллоҳни ёдлаб яшамоқчи одам яхшиликка интилиши ва одамларга яхшилик тилаши зарурдир. Дунёнинг фазилатини истаган одам эса гуноҳдан фориғ бўлиши керак.

СЎРАДИЛАР: Аллоҳни гўзал зикр этишга нима ёрдам беради? Ҳаётни яхшилашнинг чораси қаерда ва хотиржамликка олиб борувчи нарса нима?

ДЕДИ: Аллоҳнинг ҳуснини зикр этишлик инсофдандир ва зулмни камайтиришдадир. Хотиржамлик асоси гуноҳлардан нари бўлишликдадир; Ҳаётни яхшилашнинг чораси ҳақиқат ва адолатга интилиш, ёмонлик ва ҳирсдан узоқ бўлишдир.

СЎРАДИЛАР: Кимни оқил дейиш мумкин? Кишиларнинг қай бири чаққон ва қай бири айёрдир?

ДЕДИ: Охиратини ўйлаб иш қиладиган, мақсад сари интиладиган инсон оқилдир. Чаққон одам доимо ўзига керак нарсани аниқ тасаввур этади. Айёр одам эса ўзи билан бошқа барча одамлар орасидаги муаммоларда усталик билан иш юритади ва мақсадига етади.

СЎРАДИЛАР: ўйин-кулгунинг вақти бўладими?

ДЕДИ: ҳаёт манфаатларига зарари етмаса, охирати учун қилинадиган ишларга тўсиқ бўлмаса!

СЎРАДИЛАР: қандай дам фойдалироқ?

ДЕДИ: - режадаги ишларни тугатгандан кейинги дам.

СЎРАДИЛАР: кимнинг сурури мукаммалдир?

ДЕДИ: бу дунёда бировга иши тушмайдиган ва фақат подшоҳга бўйсунадигани; у дунёда эса амали солиҳларни кўп адо этгани.

СЎРАДИЛАР: одамларнинг қай бири ҳаёти учун қайғурмайди?

ДЕДИ: бировга ўлим тиламаган ва уни ҳалок этишга бировлар шошилмаганидир.

СЎРАДИЛАР: ақлнинг самараси нимада?

ДЕДИ: ақлнинг файзлик, кароматлилик ва шариф самаралари беҳисобдир. Лекин улардан баъзиларини зикр этишим мумкин: неъматга сазовор этадиган барча ишларга яхши ниятда киришиш зарур, бу ҳолатда қудрат чегарасидан чиқмаслик керак. Самаралардан яна бири - интилишларга овора бўлиб, осийлик ҳудудидан ўтиб кетмаслиги. Дунё ишларидан хотиржам бўлиб, зийракликни қўлдан бермаслик керак. Самарадан яна бири - ёмонлик йўлига кирмаслик. Яна шуки, латиф хислатлар ўрнини нафратга бўшатиб бермаслик. Яна - катта манфаат келтирадиган ишлар бўлса ҳам жоҳилларга эргашмаслик; охират манфаатига келсак, бу ерда жоҳилларнинг қиладиган иши йўқдир. Бирор ишга қўл уришдан олдин, натижасининг хайрлик эканига иқрор бўлиш; ва яна хурсандчилик кунларда ношукурчилик ва бошга ғам тушганда ҳаддан ташқари тушкунликка тушиб кетмаслик; ўзи ва душмани орасида шундай масофада бўлиши керакки, ҳокимнинг ҳукмидан жабрланмаслик учун; ўзи ва дўсти орасида ҳам шундай масофа бўлиши керакки, бир кун келиб, дўстидан ёмон гап эшитмаслик учун; унга нисбатан камтарлик қилаётган одамни беҳурмат қилмаслик; фақир аҳлини пастлатиб, давлат аҳлини кўкка кўтармаслик; агар бой илмлик бўлиб, фақир илмсиз, шодил бўлган ҳолатлар бундан мустаснодир.

Қариндош-уруғ, яқинлардан бўлса ҳам фоҳиш, нопок инсонларга ҳурмат, эътибор кўрсатмаслик; ўзи азият чекмасликка ва бировга азият чектирмасликка интилиш керак; агар зафар қучса адолат ва ҳақиқат чегарасидан чиқмаслиги зарур; ақли ҳавойи муҳаббатларга йўл бермаслик; ожизларга ёмон назар билан қарамаслик, рушду камолат сари интилишдан тўхтамаслик. Ўтмиш самаралар гуноҳини гапирмаслик, улардан хулоса чиқариб ўз ҳаётида қайтармасликка интилсин; ўз ҳилмига хилоф иш қилмаслик, виқорга ҳам кўп ўрин бермаслик, ўзида йўқ сифатларни унга айтиб, қуруқ мақтаганларнинг мадҳияларига учиб, маҳлиё бўлмаслик; айбдор бўлган ҳолатларида уни биров уришса, унга нафрат кўзи билан қарамаслик; надоматга олиб борувчи ишдан нари юришлик; савоб ишларга доимо ҳозир бўлишлик, озгина ҳам гуноҳ аралашган лаззатлардан четда бўлишлик зарур.

(Давоми бор)

Махмудхўжа НУРИДДИНОВ таржимаси

Навоий гулшанидан

Абдулқодир ҲАЙИТМЕТОВ

«... МАЖНУН БИРЛА МОНАНД АЙЛАНГИЗ»

Шарқ адабиётининг буюклик ҳақидаги ахлоқий концепцияси биринчи навбатда камтарлик ғояларига асосланган, дейиш мумкин. Буни биз ўтмишдаги улуғ ижодкорларимизнинг ҳаётлари мисолида ҳам, ижодлари мисолида ҳам ҳар қадамда яққол кўришимиз мумкин.

Алишер Навоий ўзининг гўзал ғазалларидан бирини ўзига мурожаат этиш билан қуйидагича тугаллаган экан:

«Эй Навоий, тонма гар дер ул пари Мажнун сени,
Ошиқ ўлғайму париға улки мажнун бўлмаса.

Мажнун, маълумки, Шарқ адабиётида Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Фузулий каби улуғ шоирлар томонидан достонларда куйланган, ўзи ўта юксак фазлу камолга эга бўла туриб, Лайлига бўлган севгиси туфайли телбага айланган, «Мажнун» (арабча: телба, жинни) лақабини олган ошиқнинг иккинчи исми. Унинг асл исми Қайс. Мажнун бу достонларнинг ҳаммасида, шу жумладан Навоийнинг ўзининг бу мавзудаги достонида ҳам ўз севгисининг оқибатини ўйламай, беихтиёр, кимлар унинг тўғрисида нима дейишини ҳам ҳисобга олмай, хор-зорликда, ўз орзусига эриша олмай ҳаёт билан видолашади. Лекин у ўзи аслида ҳалол, севгиси эса самимий ва пок эди. Буни бутун қалбдан англаган Навоий ушбу байтда севгилиси уни «Мажнун!» деб чақирса, бу унинг учун шараф эканини, ҳақиқий ошиқ шундай бўлиши кераклигини, гарчи у реал ҳаётда улуғ мансабларни эгаллаган катта бойликлар соҳиби, буюк шоир ва олим бўлса-да, асл инсоний табиатига кўра Фарҳодлар, Мажнунлар, Вомиқлар тоифасидан эканини таъкидламоқда.

Бошқа бир ишқий ғазалининг матлаида эса шоир юқоридаги ғояни янада гўзалроқ қилиб ифодалашга эришган. У рассомларга мурожаат қилиб, агар сизлар ўз расмларингизда Лайлини тасвирлайдиган бўлсангиз, уни сиз менинг севгилимга ўхшатиб, Мажнунни эса менга ўхшатиб чизишни унутманг, дейди:

Қилсангиз тасвир Лайли хуснин, - ул ойдек чизинг;
Лек Мажнунни Навоий-бирла монанд айлангиз.

Шеърий тасвирда Навоийнинг энг яхши кўрган ва кўп қўллайдиган тимсолларидан бири - бу ит тимсолидир. Мумтоз адабиётимизда ит - вафодорлик тимсоли. Навоий ўз шеърлари ва достонларида бу образнинг ижобий тасвирларини берган.

Бир ғазалда ёзишича, унинг севгилисининг ити ўз эгаси (яъни шоирнинг маъшуқаси)га шикоят қилиб: - Навоийни кўчада кўрган эдим, мени яхши меҳмон қилмади! - дебди. Чунки халқимизда; «Эгасини сийлаган итига суяк ташлайди», деган мақол бор. Навоий эса ушбу байтда бу гапни рад этиб, уни яхши меҳмон қилганини, уни тинглаб, баданларини узиб олса ҳам, севгилиси ҳурмати, унга озор етказмаганини, унинг иззатини жойига қўйганини айтади:

Гар итинг дебдур: - «Навоий қилмади меҳмонлиғим!
Кеча тишлаб-тишлаб олғач жисми афгори недур?

Бунда ҳазил-мутойибанинг энг юксак намунаси намоён этилган, дейиш мумкин. Бу хил образларни қўллашда шоир томонидан жамият ва табиат ҳаётини бадиий тасвирлаш маҳорати асардан асарга доим чуқурлаша борган. Масалан, бир ғазалида Навоий жамият ҳаётидаги ижтимоий тенгсизликни ёритар экан, ижтимоий табақалар табиати ўзгариши қийинлигини, буни инсон боласи доим кўзда тутиш, шунга қараб иш қилиши лозимлигини, ўз ҳадди, ҳуқуқи даражасидан ошиб кетмаслиги шарт эканлигини шу образ ёрдамида ўз шахси мисолида қуйидагича ифодалаган:

Навоий, сен киму шират майи, - билмасмусен, - Ким? Ит -
Агар қон ичса ҳам, - боши керакдур ўз ялоғинда.

Демак, Навоий ўз давридаги ноҳалол, бировларнинг ҳисобига маишат билан кун кўраётган одамлар билан ўзини бир одам деб ҳисобламаган, улардан нафрат қилган.

Навоийнинг бошқа бир ғазалида ҳам бу образни ўзига нисбатан доҳиёна санъаткорлик билан ишлатган:

Бир иёсиз ит бўлуб эрди Навоий ёрсиз.
Бўлмасин, ёрабки, ҳаргиз банда султондин жудо.

Бунда шоир ит образига жуда катта ижтимоий-сиёсий маъно юклаган. Унинг шеърларида ёр бир ўринда севгили маъносида келса, бошқа бир ўринда Оллоҳ маъносида келиши мумкин. Бу байтда Навоий ўз ҳаётининг мазмунини ҳам Оллоҳга яқинликда, ҳам ёр-инсонга яқинликда кўрмоқда ва шундай ҳолатда тасвирламоқда. Шу билан бирга кейинги мисрада шоир маълум бир мамлакатнинг оддий фуқароси бўлиш ҳам катта бахт эканини, бу эса ўша мамлакатнинг ҳукмдорини тан олиши билан боғлиқ эканини айтмоқчи.

Ит образининг энг таъсирли ифодаси Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» достонида ҳам учрайди. Навоий Низомий, Деҳлавий, Жомийлар изидан бориб, «Хамса» ёзишга киришар экан, «Асҳоби лаҳф» деган ҳикояни эслайди. Унда уч авлиё бир золим подшоҳ замонида қочиб, бир ғорга кириб яширингани, улар билан бир ит ҳам яшириниб, оқибатда яхшиларга қўшилгани, яхши ном қозонгани тўғрисида гап боради. Навоий улуғ хамсанависларга бўлган буюк ҳурмат ва эҳтиромини шу образ орқали ифодалаган:

Ит каби чун пастлиғим чоғладим.
Ўзни битиклар ипига боғладим.

Ҳа, камтарликда буюклик, - деб шуни айтсалар керакда!

СКАНВОРД



Тузувчи Р.БУРЛИЕВ

«Янгиси»дан бор...



Қутлов!

Ҳурматли Аҳмадали ака Ҳайдаров!

Сиз бугун табаррук 60 ёшга етдингиз! Сизнинг бу бахтиёр кунингиз нафақат оила аъзоларингизнинг, балки бизнинг ҳам қувончли дамларимиздир. Зотан, Сиз атоқли санъаткор Шукур Бурхонов номи билан аталувчи маҳалламиз оқсоқоли сифатида ҳар биримизнинг меҳрибонимиз ва қадрдонимизсиз. Сиз маҳалла-кўй ташвиши учун фидойи инсонсиз. Сизни маҳалламизнинг ҳар бир хонадони ўз қадрдонидек ҳис қилади. Чунки Сиз ўз фаолиятингиз билан бунга муносибсиз.

Бахтимизга доимо соғ-саломат бўлинг.

Сирғали тумани Ш.Бурхонов номли маҳалла фаоллари.

МУРАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Тезкор ҳаракат қилишингиз туфайли кўп юмушларни ўтган ҳафта давомида битказиб олдингиз. Шу кунларда эса бироз хотиржамликка йўл бериб, дам олсангиз бўлди.

СИГИР(22.0420.05)
Сиз ҳам уч-тўрт кун давомида ҳордиқ чиқаришга ҳақлисиз. Бунинг учун қулай шароитни кутиб ўтирмай, табиат қўйнига чиқинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Шу кунларда молиявий жиҳатдан бироз қийналиб турибсиз. Лекин кўп қайғурманг, Сизда бундай ҳолат узоққа чўзилмайди.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Оилавий муносабатларингиз бироз чигаллашиши мумкин. Вазиятни юмшатиш учун оилангиз даврасида кўпроқ бўлинг, меҳмон чақиринг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Бутун эътиборингизни касбингизга қаратишингиз яхши натижа беради. Раҳбарият ва ҳамкасбларингизнинг ҳурматига эришасиз.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Дўстларингизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли яқин кунларда асло зерикмайсиз. Аммо ўйин-кулгунинг ҳам меъёри борлигини унутманг.

ТАРОЗУ (23.09-22.10)
Сизни қуршаб турган турли-туман муаммоларнинг гўё ҳеч қачон кети узилмайдигандек туюлмоқда. Аслида ундай эмас, фақат ҳаммаси ўзингизга боғлиқ.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Кайфиятингизнинг қандай бўлиши кўп жиҳатдан яқинларингизнинг Сизга бўлган муносабатига боғлиқ. Қолган ишлар эса Сизнинг кайфиятингизга...

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Ёзнинг ўтган кунларида дам олишга улгурмаган бўлсангиз, шу кунлар айни вақти. Яхши ҳамроҳни танлай олсангиз бўлгани.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Турар жой, кўчмас мулк билан боғлиқ муаммоларга дуч келасиз. Бу муаммоларни бартараф этишда дўстларингиз ёрдам беришади.

КОВҒА (20.01-18.02)
Келаси чоршанбагача ҳаётингиз бир маромда кечади. Оилангиз, фарзандларингиз, дўстларингизнинг кўнглини олинг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Одатда қайсарлик Сизга ёт. Лекин нима сабабдандир шу кунларда ўжарлигингиз тутиб турибди. Бу ҳолат кутилмаган кўнгилсизликни келтириши мумкин.

MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъноберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ
Саҳифаловчи: Аброр БЕРДИЕВ
Навбатчи: Мавлуда ҚОСИМОВА

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
Буюртма Г-626

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Топширилди– 21-50